**2006 ЙИЛ, 29 СЕНТЯБРЬ, ЖУМА**

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ **193** (10.750)

Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**

***Муаллимлар... Қалби уммон, меҳри дарё табаррук зотлар. Улар—сабр-қаноатли, метин иродали, буюк мақсадли инсонлар. Улар—фидойи. Тунлари ширин уйқудан воз кечиб китоб ўқиб, дафтар қараб болажонлар қалбига йўл топишга, билим сирларини сингдиришга интиладилар.***



## МЕҲР НУРИ ЁҒАР ДОИМ ЮЗИНГИЗДАН УСТОЗЛАР!



*Улар—болажон, ҳар бир қора кўз шогирдини ўз фарзандидай севиб, қалб қўърини бахшида этади. Улар—ватанпарвар. Болажонларим ўсиб, улғайиб она-юртга муносиб фарзанд бўлсин, деб ният қилади. Улар—изланувчан, ижодкор. «Таълим тўғрисида»ги қонун, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» кўрсатмалари асосида, ўқитишнинг замонавий усулларини топишга интиладилар.*

*Улар нигоҳидаги меҳрни, эъзозу эҳтиромни кўрганда беихтиёр таъзим бажо этамиз. Йўлларингиз ҳамиша ойдин, эзгу ниятларингиз йўлдошингиз бўлсин, деб тилак билдирамиз. Юзларингизда меҳр нури порлайверсин, қалбингиздаги эзгулик чашмаси асло сўнмасин, азиз устозлар!*

## 1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни

## ВАТАННИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ МУБОРАК!

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Фармонига кўра Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан мамлакатимиз таълим-тарбия тизимида ўрнак кўрсатган ходимлардан бир гуруҳи Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирландилар. Жумладан, Тошкент шаҳридан қуйидагилар Ватанимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлдилар:*

**Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, ёш авлодни она юртга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги руҳида ҳар томонлама соғлом ва баркамол қилиб вояга етказиш, уларга фан асосларини ҳамда замонавий касб-ҳунарларни ўргатишдаги жонкуярлиги, таълим-тарбия соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнати ва жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:**

### «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СПОРТ УСТОЗИ”

**Нуриддинов Анвар Аҳмадвалиевич** — Собир Раҳимов туманидаги 10-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг акробатика бўйича мураббийи

**Мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга ошириш, халқимизнинг маданияти ва маънавиятини юксалтириш, ёш авлодни ватанпарварлик ва миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш орқали Ватанимиз мустақиллиги, юртимиздаги тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш ишига қўшган муносиб ҳиссаси, кўп йиллик фидокорона хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:**

### «МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

**Белова Вера Алексеевна** —Миробод туманидаги 110-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

**Юртимизда тинчлик ва тотувлик, миллатлараро дўстлик, ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, жамиятда меҳр-оқибат ва бағрикенглик ғояларини қарор топтириш, иқтидорли ёшларнинг истеъдодини рўёбга чиқариш, уларни Ватанимизнинг муносиб фарзандлари, ҳар томонлама етук инсонлар этиб тарбиялаш йўлидаги намунали хизмати ҳамда мамлакатимиз обрў-эътиборини юксалтиришдаги ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:**

### «ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

**Ломухина Валентина Ивановна**—Мирзо Улуғбек туманидаги 210-мактаб директори

**Тожибоев Ўктамжон Ўранбоевич**—Тошкент шаҳридаги ўқувчиларни ҳарбий касбларга йўналтирувчи республика лицейи директорининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари

**Ёш авлодни ўз Ватани ва халқига муҳаббат, миллий истиқлол ғоясига садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги руҳида тарбиялаш, таълим жараёнига замонавий педагогик технологияларни жорий этишда эришган муваффақиятлари учун қуйидагилар мукофотлансин:**

### «ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

**Никитина Лариса Викторовна**—Ҳамза туманидаги 145-мактаб директорининг бошланғич синфлар бўйича ўринбосари

**Новикова Ирина Евгеньевна**—23-меҳрибонлик уйи тарбиячиси

**Сайфуддинова Раъно Шариповна**—Республика ёш саёҳатчилар ва ўлкашунослар марказининг зардўзлик санъати тўгараги раҳбари

**Султонова Қумрихон Алламбоевна**—Республика Таълим маркази тажриба- синов ишларини ташкил этиш бўлимининг бош услубчиси

**Тўраева Мақсуда Отамуродовна**—Учтепа туманидаги 245-мактабнинг информатика фани ўқитувчиси

**Ёдгорова Дилором Тўлагановна**—Сирғали туманидаги 104-мактабнинг математика фани ўқитувчиси

## ХХI АСР САДОСИ

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**●Ижтимоий фикр жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиш академияси, Республика Фанлар академияси, Ўзбекистон Миллий университети ва бошқа бир қатор олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда жамоатчилик фикрини ўрганиш ва шакллантиришнинг долзарб муаммолари муҳокамасига қаратилган туркум семинарлар ўтказиб келмоқда. Ана шундай илмий-амалий анжуманнинг навбатдагиси «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишда жамоатчилик фикрининг аҳамияти» мавзуига бағишланди.**

**●Мамлакатимизнинг шимолий минтақаси ҳисобланмиш Қорақалпоғистонда ҳам пахта йиғим-терими қизғин паллага кирди. Мўйноқ тумани пахтакорлари биринчилардан бўлиб давлатга «оқ олтин» сотиш бўйича шартнома режасини бажаришди.**

**●Андижон вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ёшлар тарбияси, вояга етмаганлар ўртасида олиб борилаётган ишлар таҳлил этилиб, мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан фикр алмашилди.**

**●«Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил август ойида «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан келиб чиқадиган вазифалар ҳамда жамғарма фаолиятидаги ютуқ ва муаммолар муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.**

**●«Ўзбеккўмир» акциядорлик жамияти конларни замонавий технологиялар билан жиҳозлаш ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кескин ошириш чораларини кўрмоқда. Шу боис ҳам Ангрен кўмир конида катта модернизация ишлари олиб борилмоқда. Маълумотларга қараганда, «Ўзбеккўмир» акциядорлик жамияти шу кунгача мўлжалдагидан 70 минг тоннадан зиёд кўмир қазиб олишга эришди.**

**●Пойтахтимиздаги «Ўзкўргазмасавдо» мажумасида ташкил этилган «ICT Expo—2006» ахборот технологиялари биринчи миллий кўргазмаси доирасида мамлакатимиз Мустақиллигининг 15 йиллигига бағишлаб ўтказилган ёшлар интернет марафони ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.**

**●Фарғона вилояти Тошлоқ туманида «STA-SAM VANG Plastic Co LTD» Ўзбекистон –Корея қўшма корхонаси иш бошлади. Корхонада хорижий технологиялар асосида тайёрланаётган 14 турдаги полиэтилен маҳсулотлари харидорларга етказиб берилмоқда.**

**●Пойтахтимиздаги Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида «Биз гиёвандликка қаршимиз» шиори остида тадбир бўлиб ўтди.**

### ЖАҲОНДА

**●Россиянинг Белгород вилоятидаги «Лебедин» тоғ-кон комбинати акциядорлик жамияти Ўзбекистонда ўзининг ваколатхонасини очишни мўлжалламоқда. Бу ҳақда жамият директорлар кенгашининг шу йил 12 сентябрда ўтказилган мажлисида қарор қабул қилинди.**

**●Европа Иттифоқининг ташқи сиёсат ва хавфсизлик масалалари бўйича олий комиссари Хавер Солана ва миллий хавфсизлик бўйича Эрон Олий кенгаши котиби Али Ларижоний ўртасида Эроннинг ядровий дастури билан боғлиқ муаммоларни ижобий ҳал этишга қаратилган музокаралар давом этмоқда.**

**●Исроил суди мамлакат фуқароси Аппер Вайсганни 4 маротаба умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси ва миллион шекель (салкам 200 минг доллар)жаримага маҳкум қилди. У 2005 йилда Жазо секторидан исроилликларни олиб чиқиш жараёнида норозилик сифатида 4 нафар араб ишчисини отиб ташлаган эди.**

**●Ироқ пойтахти Бағдод шаҳрида юз берган отишмалар чоғида америкалик ҳарбий ҳалок бўлди. Ироқнинг Анбар музофотида ҳам икки ҳарбий ҳалок бўлгани ҳақида хабар тарқатилди.**

**●БУГУН —29 сентябрь куни Украина Олий суди пленумида Олий суд раиси сайланиши кутилмоқда.**

**●Россия Федерацияси Олий арбитраж суди амалдорларга қилинадиган совғаларни назоратга олиш ташаббуси билан чиқди, аниқроғи, бу ҳақда махсус қонун лойиҳасини тайёрлади. Унга кўра амалдор олиши мумкин бўлган хизмат совғаларининг энг юқори қиймати 4000 рублни ташкил қилади.**

**●Исроил ҳарбий суди Фаластин бош вазири ўринбосари Носир ал-Шаирни озодликка чиқариш ҳақида қарор қабул қилди. «Reuters» хабарида кўрсатилишича, суд уни ҳибсда сақлаш учун етарлича асос тополмади.**

**●Буюк Биртанияда турли касб эгаларининг ўртача йиллик маоши тўғрисида маълумот эълон қилинди. Маълумотга кўра биринчи ўринни йирик компанияларнинг директорлари ва бошқарув кенгашлари аъзолари эгаллашди. Уларнинг ўртача йиллик даромади 171 минг фунтни ташкил этди.**

## Қисқа сатрларда

●**ЎТГАН** куни Шайхонтоҳур туман ҳокимлигида «Камолот» ЁИҲ туман бўлими «Маҳалла умидлари» маркази, «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлими, туман ИИБ ҳамкорликларида ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш масаласига бағишлаб ўтказилган йиғилишда туман фаоллари, маҳаллалар фуқаролар йиғинлари қошидаги ёшлар билан ишлаш комиссиялари раислари иштирок этишди.

●**БУГУН** Тасвирий ва амалий санъат лицей-интернатида «Устозим—меҳрибоним» мавзуида ўқувчилар, ўқитувчилар иштирокида «Маънавият ва тарғибот» марказининг Учтепа туман бўлими ҳамкорлигида ўтказилган тадбир 1 октябрь—Ўқитувчилар ва мураббийлар кунига бағишланди.

●**БУГУН** Бектемир туманидаги 289-мактабда туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар қўмитаси,туман халқ таълими бўлими, туман маданият ва спорт ишлари бўлими, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ЁИҲ, «Маънавият ва тарғибот» марказининг туман бўлимлари ҳамкорликларида 1 октябрь—Ўқитувчилар ва мураббийлар кунига бағишлаб ўтказилган тадбирда фахрий ўқитувчиларга эсдалик совғалари туҳфа этилди.

●**БУГУН** Тошкент Давлат шарқшунослик институтида «Маънавият ва тарғибот» марказининг Мирobод туман бўлими ташаббуси билан ўқитувчилар, талабалар иштирокида ўтказилган тадбир «Маърифат нури» деб номланди.

●**БУГУН** Мирзо Улуғбек туманидаги Ҳамза номидаги республика мусиқа коллежида ўқувчилар, ўқитувчилар иштирокида «Маънавият ва тарғибот» марказининг туман бўлими ҳамкорлигида «Устоз—отангдек улуғ» мавзуида ўтказилган тадбир 1 октябрь—Ўқитувчилар ва мураббийлар кунига бағишланди.

●**БУГУН** Ҳамза туманидаги «Баҳор» маҳалласида «Маънавият ва тарғибот» маркази, «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлимлари ҳамкорликларида «Куч—билим ва тафаккурда» мавзуида уюштирилган давра суҳбатида маҳалла фаоллари ва ёшлари иштирок этишди.

●**КЕЧА** Юнусобод туманидаги жамоат жойларида, марказий кўчаларда, ҳиёбонларда «Камлот» ЁИҲ Юнусобод туман бўлими Кенгаши ташаббуси билан 1 октябрь—Ўқитувчилар ва мураббийлар кунига бағишлаб ўтказилган тадбирлар «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими Кенгашининг «Устозингни унутма» лойиҳаси доирасида уюштирилди.

**Ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

## ФАОЛЛАР ҲИНДИСТОНГА БОРАДИ

**ПОЙТАХТДАГИ ЛАЪЛ БАҲОДИР ШАСТРИ НОМИДАГИ “ҲИНДИСТОН МАДАНИЯТ МАРКАЗИ” ТИНГЛОВЧИЛАРИГА ДИПЛОМ БЕРИЛДИ.**

Марказда турли соҳа вакилларидан иборат 24 нафар тингловчи уч ой давомида ҳинд маданияти, урф-одатлари, тарихи ва тараққиёти бўйича таҳсил олишди. Уларга Ҳиндистоннинг юртимизда фаолият олиб бораётган профессор ўқитувчилари, Тошкент Давлат шарқшунослик институти ва Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг малакали ўқитувчилари дарс берди.

Маросимда Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Сканд Р. Тайал ҳам қатнашиб, битирувчиларга омад тилади ва уларни марказда олган билимларини имкон борича ўз соҳаларида қўллашга умид боғлади. Фаол тингловчилардан Аҳрорхўжа Фахриддинов, Шоҳиста Файзиева ҳамда Насиба Валиевалар Ҳиндистоннинг Ҳайдаробод шаҳридаги нуфузли билим юртларида малака ошириш имкониятига эга бўлдилар.

**Рустам ХАЙДАРОВ,**
**«Туркистон-пресс»**

## Обуна —2007

## «ОҚШОМ» — ЯҚИН ҲАМКОРИНГИЗ, ДИЛКАШ СУҲБАТДОШИНГИЗ

Қадрли оқшомхон! Маълумки, шу кунларда мамлакатимизнинг барча алоқа бўлимларида сиз севиб ўқийдиган «Тошкент оқшоми» газетасига 2007 йил учун обуна қизғин давом этмоқда. Буни, албатта таҳририятимизга сиз азиз



муштарийларимиздан келаётган обуна билан боғлиқ хат-хабарлардан ҳам билса бўлади. Зеро, матбуотни ҳаётининг ажралмас қисми, мазмуни деб билган, унинг қадрига етган, республикамизда ҳамда жаҳонда рўй бераётган воқеа-ҳодиса ва янгиликлардан доимо хабардор бўлишни хоҳлаган инсон учун обуна масаласида ҳеч қандай баҳона ёки муаммо сабаб бўлолмайди.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, қарс икки қўлдан чиқади. Бугунги газетхоннинг талаби кучли, танлаш имконияти ҳам етарли. Қайси нашр ўзининг долзарб, мазмундор, қизиқарли ва ўқимишли мақолалари билан ўқувчиларга манзур бўлса, демак унинг муштарийлари ҳам ортиб бораверади.

Шу каби қатор масалаларни ҳисобга олган, 40 йилдан ортиқ вақт ичида ўзининг содиқ, ихлосманд ўқувчилари даврасини йўқотмаган «Оқшом» таҳририяти ҳам келаси йил учун «теша-тегмаган», «тахи бузилмаган» мақолаларни ўз ичига оладиган янги режаларни белгилаб қўйди. 2007 йилдан бошлаб газетхонни ўзига «тортадиган» янги-янги мавзудаги қизиқарли, ўқимишли мақолалар, ранг-баранг, ёрқин суратлар, билимингизни чархловчи кроссвордлар газета саҳифаларидан ўрин олади.

Шундай экан, азизлар, сизга ҳар доим энг яқин ҳамкор, ҳамфикр ва маслаҳатгўй бўлиб келган севимли нашрингизга обуна бўлишга шошилинг. Вақт ғанимат, Янги йилнинг биринчи кунидан бошлаб «Оқшом»ни хонадонингизда кутиб олинг.

### ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология хизмати марказининг хабар беришича, 30 сентябрь куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғиши мумкин. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда эсаётган шамолнинг тезлиги кучайиб, секундига 15-17 метрга етади. Кечаси 10-12, кундузи 24-26 даража иссиқ бўлади.

1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни

# МЕҲР НУРИ ЁҒАР ДОИМ ЮЗИНГИЗДАН УСТОЗЛАР!

**ДОНОЛАРИМИЗ АЙТГАНЛАРИДЕК, ЭЛНИ МАЪРИФАТ АСРАЙДИ. У ЭЛНИ ТАРАҚҚИЙ ЭТТИРИБ, ЭЗГУ НИЯТИ, ОРЗУ- УМИДИГА ЕТКАЗАДИ. ДЕМАК УСТОЗЛАРИМИЗ ЗИММАСИДА КЕЛАЖАГИ БУЮК ДАВЛАТНИНГ КОМИЛ, ҲАР ТОМОНЛАМА БАРКАМОЛ МАЪНАВИЙ ПОК, ВАТАНПАРВАР, МЕҲНАТСЕВАР ИНСОНЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШДЕК ЮКСАК ВАЗИФА ЁТАДИ.**



## СИЗ АЗИЗ ВА МУҲТАРАМСИЗ

Ана шу вазифаларни амалга оширишда ўқитувчи ва мураббийларнинг хизматлари беқиёсдир. Шунинг учун ҳам устоз-мураббийлар олдида шогирдлар ҳамиша таъзимда.

Кеча Ўзбекистон Миллий академик драма театрида Тошкент шаҳар ўрта-махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси томонидан Ўқитувчилар ва мураббийлар кунига бағишлаб «Сиз азиз ва муҳтарамсиз» деб номланган байрам тантаналари бўлиб ўтди. Тадбирда пойтахтимиздаги барча академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари раҳбарлари, илғор ўқитувчилар ва фахрийлар иштирок этдилар. Кечада Тошкент шаҳар Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи Ш. Жавлонов, Тошкент шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси раиси Р. Нодиров сўзга чиқиб, устоз ва мураббийларни шарафли касб байрамлари билан табриклаш баробарида заҳматкаш ва фидойи ўқитувчиларга Фахрий ёрлиқлар, қимматбаҳо совғалар ва гулдасталар тақдим этдилар.

—Ёш авлодга таълим-тарбия бериб, уларни она-Ватанимизга меҳру муҳаббат руҳида тарбиялашдек масъулиятли ишга бош қўшаётганимиздан бахтиёрмиз,— дейди «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи», Р. Глиэр номидаги республика махсус мусиқа академик лицейи директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Жаҳонгир Иброҳимов. — Юртбошимизнинг алоҳида эътиборлари боис, таълимдаги ислоҳотлар тобора кенг қулоч ёймоқда. Ўқитувчилар, устоз мураббийлар меҳнати қадрланиб, уларга беқиёс иззат-икром кўрсатилмоқда. Мустақиллигимизнинг ўн беш йиллиги арафасида менинг ҳам меҳнатларим муносиб баҳосини олди. Бундай эътибордан руҳланиб кетдим. Ўқитувчи деган шарафли касбни танлаганимдан жуда бахтиёрман. Меҳнат қилган рағбат топади дегани шу-да. Ушбу фурсатдан фойдаланиб барча ҳамкасбларимни касб байрамлари билан муборакбод этаман.

Тантанали байрам тадбири давомида Ўзбекистон Миллий академик драма театри актёрлари ўзларининг дилрабо куй-қўшиқлари билан кечага хушнудлик бахш этдилар. Улар ижросида «Андишали келинчак», «Чимилдиқ» ва бошқа спектакллардан парчалар намойиш этилди.

**Гулчеҳра САТТОР қизи.**

**СУРАТДА: байрам тадбиридан олинган лавҳа.**

**Шавкат Қаҳҳоров олган сурат.**

## МУНОСИБ ТАҚДИРЛАНДИЛАР

**ХАЛҚИМИЗДА ЎҚИТУВЧИ — МИЛЛАТ ТАРБИЯЧИСИ, ЁШ АВЛОД БОҒБОНИ ДЕБ БЕЖИЗ АЙТИЛМАЙДИ. УСТОЗЛАРНИНГ МАСЪУЛИЯТЛИ, АММО ШАРАФЛИ КАСБЛАРИНИ БИР МАШЪАЛАГА ҚИЁС ЭТИШ МУМКИН. ШУНИ ФАХР БИЛАН АЙТИШ ЖОИЗКИ, МАМЛАКАТИМИЗДА БУГУНГИ КУНДА ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРНИНГ ОБРЎ-ЭЪТИБОРИ ОШИБ БОРМОҚДА, УЛАРГА ҲУКУМАТИМИЗ ТОМОНИДАН КАТТА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА.**

Кеча шаҳримизнинг сўлим гўшаларидан бўлмиш Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида Тошкент шаҳар Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси томонидан 1 октябрь - Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан «Устозларга эҳтиром» деб номланган байрам тадбири бўлиб ўтди. Ушбу тадбирга шаҳар Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси тасарруфидаги болалар мусиқа ва санъат мактаблари, шунингдек, маданият уйлари, спорт федерацияларида фаолият кўрсатаётган энг илғор ўқитувчи, устозлар, фахрийлардан 250 нафари ташриф буюришди.



Байрам тадбирида шаҳар Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси бошлиғи Равшан Шамсиев сўзга чиқиб, болалар мусиқа мактаблари ва маданият уйлари, болалар спорт мактаблари мураббийлари, спорт федерациялари ривожига, равнақига салмоқли ҳисса қўшиб, ҳалол ва фидокорона меҳнат қилиб келаётган ўқитувчи, устозларни касб байрамлари билан муборакбод Этиш баробарида уларга фарзандларимизни санъатга, маданиятга, спортга қизиқтириш, уларни маънавий ва маданий билимларини ошириш, соғломлаштириш, ҳар бир ўқувчининг қалбида санъат орқали, спорт орқали Ватанга муҳаббат, она юртимизга, инсонларга меҳр-мурувват каби туйғуларни сингдиришдек масъулиятли вазифани адо этишда муваффақиятлар тилади ҳамда энг фаол ўқитувчиларга шаҳар Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси томонидан ажратилган Фахрий ёрлиқлар ҳамда эсдалик совғаларини топширди. Шу куни байрамона безатилган дастурхон атрофида устозларга эҳтиром кўрсатилди.

Қизиқарли ҳамда кўтаринки руҳда ўтган байрам тадбирида севимли эстрада хонандалари ҳамда шаҳримиз маданият уйлари бадиий ҳаваскорлари ижросидаги қувноқ куй-қўшиқлар, жозибали рақслар кечага янада файз киритди.

**Дилором ИКРОМОВА**

**СУРАТДА: Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтган байрам тадбиридан лавҳа.**

**Наталья Семёнова олган сурат.**

### Қутловлар

**Ғофур ҚОДИРОВ,**
**Ўзбекистон халқ рассоми:**

—Мураббийлар ва устозлар олдида ҳаммамиз ҳамиша қарздормиз. Чунки улар боис оламни, одамни, борлиқни, гўзалликни, илму-маърифатни янада теранроқ англай олганмиз. Онг ва тафаккуримизни чархлаб, маънавий дунёмизни бойитганмиз. Улар туфайли юксаклик сари интилиб, изланиб дунёни қайтадан кашф қилмоқдамиз. Устозлар меҳнати ва унинг ортидаги машаққат олдида доимо таъзимдамиз. Мактаб, боғча, лицей, коллеж, институтларда фаолият кўрсатаётган устоз ўқитувчилар ушбу даргоҳларнинг энг азиз, энг улуғ ва энг мўътабар маърифат нурини таратувчи, эзгуликка йўлловчи инсонларидир. Қутлуғ касб эгаларини муборак байрамлари билан чин кўнгилдан табриклаймиз.

**Саодат ЙЎЛДОШЕВА,**
**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи», Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институти профессори:**

— Ушбу муборак кун — қутлуғ айём билан ҳамкасбларимни самимий табриклайман. Уларнинг шарафли ишларига омадлар, хонадонларига тинчлик ва хотиржамлик тилайман. Истайманки, жаннатмакон юртимиз довруғи уларнинг меҳнатлари шарафида оламга достон бўлаверсин. Шогирдларининг камолидан, яратувчанлик қобилиятидан фахрланиб яшаш уларга насиб этсин!





## ИЛК САБОҚНИ БЕРГАН МУАЛЛИМ

**ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРНИ ҲАР ҚАНЧА ЭЪЗОЗЛАБ, ФАХР ВА ИФТИХОР БИЛАН ТИЛГА ОЛСАК АРЗИЙДИ. МАКТАБ ОСТОНАСИГА ҚАДАМ ҚЎЙИБ, ИЛК БОР ҚАЛАМ ТУТҚАЗГАН МЕҲРИБОН МУАЛЛИМЛАРДАН ИЛМУ-МАЪРИФАТ СИРЛАРИНИ ЎРГАНАМИЗ. ОНГУ ШУУРИМИЗНИ ИЛМ ЗИЁСИ БИЛАН МУНАВВАР АЙЛАГАН, ВАТАН, ОНА СЎЗЛАРИНИНГ МАЪНОСИНИ АНГЛАТИБ ОҚ ҚОҒОЗГА ЁЗДИРГАН БИРИНЧИ МУАЛЛИМДАН ҲАМИША ҚАРЗДОРМИЗ.**

Шаҳримиздаги 174-мактаб Сергели туманидаги ягона бошланғич умумтаълим мактаби ҳисобланади.

—Мактабимизда бугунги кунда 1200 нафар ўқувчилар таҳсил олмоқда,—дейди 174-мактаб директори Муборак Мираҳмедова. — Уларга 50 нафар малакали ўқитувчилар сабоқ бермоқдалар. Ўқитувчиларимиз олдидаги бурч ва масъулият бошқа фан ўқитувчиларига қараганда анча мураккаброқдир. Аммо тажрибали ўқитувчиларимиз янги технологиялар асосида анъанавий ва ноанъанавий усулда компьютерлаштирилган синф хоналарида замон талабларини инобатга олган ҳолда дарс бермоқдалар.

174-мактабда ўқувчилар икки гуруҳга бўлинган ҳолда ўзбек ва рус тилларида тўртинчи синфгача ўқитилади.- Мазкур ўқув муассасасида ҳар йили 270 — 300 нафар болалар бошланғич таълимдан дарс олиб бошқа мактабларга ҳоҳишларига қараб ўтказилади. Уларга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Александра Архипова, Меҳри Валихонова, Ойгул Пардаева, Халида Халилова каби бир қатор тажрибали ва малакали ўқитувчилар сабоқ берадилар.

Дарҳақиқат, бошланғич таълимда дарс бериш ҳозиржавобликни ва масъулиятли бўлишни талаб этади. Негаки бугунги кун болалари зийрак, қизиқувчан ва шунинг баробарида компьютер технологияларидан ҳам бирмунча хабардор. Ватанимиз келажаги бўлган ёш авлодни баркамол инсон сифатида вояга етказишда, билимли, тарбияли қилиб тарбиялашда бошланғич синф ўқитувчиларининг қалблари меҳрга тўлиқ, виждонлари эса ҳамиша уйғоқ бўлиши керак. Касб байрамларини нишонлаётган ўқитувчи мураббийларга бу борада муваффақият ва омад тилаймиз.

**(Ўз мухбиримиз)**

**СУРАТЛАРДА: 174- мактаб ҳаётидан лавҳалар.**

Ҳар йили анъанавий тарзда нишонланиб келинаётган «Йил ўқитувчиси» кўрик танлови ҳам шаҳримиздаги энг иқтидорли ўқитувчиларни аниқлаш ва рағбатлантириш мақсадида ташкил қилинган. Бу йилги мазкур танловда Шайхонтоҳур туманидаги А. Навоий номли 40-мактаб ўқитувчиси Нилуфар Раҳматуллаева ғолиб деб топилди. Ёшлигидан мусиқага қизиқиши кучли бўлган Нилуфар ўрта мактабда таҳсил олиш баробарида, 8-мусиқа мактабида ҳам мусиқа фанидан таълим олади. 1985 йилда «Илҳом чашмалари» республика кўрик-танловида «Дутор» мутахассислиги бўйича биринчи ўринни қўлга киритади. Бу унинг ўқиш ва изланишларининг самараси, катта муваффақияти эди.

### «Йил ўқитувчиси — 2006»

## БАХТИ КУЛГАН НИЛУФАР

**МАМЛАКАТИМИЗДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ, КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ, ЁШ АВЛОДНИ ВАТАНПАРВАРЛИК ВА МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯЛАРИГА САДОҚАТ РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ, УЛАРДА ЮКСАК МАЪНАВИЙ, АХЛОҚИЙ ФАЗИЛАТЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ, ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИГА ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШДА ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ МЕҲНАТЛАРИ БЕНИҲОЯДИР. ШУНИНГ УЧУН ҲАМ АНА ШУ МАШАҚҚАТЛИ, АММО ШАРАФЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ ҲАМИША ҲУКУМАТИМИЗ ТОМОНИДАН МУНОСИБ ТАҚДИРЛАНМОҚДА.**



Мусиқанинг сеҳри уни Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетининг «Ашула ва рақс» факультетига етаклаб келади. Айнан шу даргоҳда олган сабоқлари мусиқага бўлган меҳрини янада шакллантирди. Ўз устида ишлашга ва изланишга ундади. Устози факультет декани Х. Нурматов кўмаги ва кўрсатмалари асосида жуда кўплаб кўрик-танловларда иштирок этиб, олий совринларни қўлга киритди.

Институтни муваффақиятли тугаллаган Нилуфар ўзи таҳсил олган жонажон 40-мактаби бағрига қайтди. Айнан шу ерда ўз устозлари даврасида жажжи болажонларга мусиқа фанидан сабоқ бера бошлади ва шу билан бирга мусиқа тўгарагини ташкил қилди. Мазкур тўгарак ўқувчилари орадан ҳеч қанча вақт ўтмасдан «Санъат ғунчалари» кўрик-танлови шаҳар босқичида биринчи ўринни эгалладилар. Тиниб- тинчимас, изланувчан Нилуфар тез орада «Нилуфар» рақс дастасини ҳам ташкил этди. Бугунги кунда рақс дастаси нафақат шаҳримизда, балки республикамизда ҳам танила бошлаган ва барча кўрик-танловларда иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллаб келмоқда.

Мусиқаниинг асл шайдоси ва тарғиботчиси, ёшларнинг севимли устози Нилуфар Раҳматуллаева жорий йилда «Йил ўқитувчиси—2006» кўрик танлови шаҳар босқичида ғолибликни қўлга киритди. Республика босқичида эса «Йилнинг энг яхши мусиқа маданияти фани ўқитувчиси» шарафига муяссар бўлди.

—Менинг бу ютуғим ота-онам, оилам, севимли фарзандларим, устозларим, мактабим жамоаси, туман ва шаҳар услубчиларининг кўмаги, йўлланмаси маҳсулидир,— дейди Нилуфар Раҳматуллаева.— Мен бу улкан ютуқдан жуда хурсанд ва бахтиёрман. Бутун умр қадрдон мактабим, азиз ўқувчиларимни, яқинларимни қадрлаб, ардоқлаб яшайман. Мусиқа эса менинг доимий ҳамроҳим, энг севимли ишим ва машғулотимдир. Мактабимиз директори Гўзал Мақсудова маслаҳати ва кўмаги асосида илмий ишимни ҳам бошлаб қўйганман. Насиб этса, мамлакатимиз мусиқа соҳасига ўзимнинг кичкина бўлсада улушимни қўшаман.

Дарҳақиқат, астойдил қилинган меҳнат ва изланишлар бесамар кетмайди. Нилуфар Раҳматуллаева ўзининг иқтидори ва истеъдоди, меҳнати билан эл орасида обрў-эътибор қозонди. Халқнинг олқишига сазовор бўлди. Айни кунларда Нилуфар Раҳматуллаева республикамиздаги 18 нафар ўқитувчилар билан биргаликда Жанубий Корея давлатининг Сеул шаҳрида хорижлик ҳамкасблар билан тажриба алмашиб келиш учун саёҳатга отланмоқда.— Бу ҳам менга меҳнат ортидан келган ажойиб имконият ва омаддир,— дейди Нилуфар.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

### Тадбирлар

## ЁҚАВЕРИНГ ДИЛГА ЧАҚИН

Халқимиз устоз- мураббийларни азалдан улуғлаб келади. Шаҳримизнинг барча гўшаларида ушбу муносабат билан байрам тадбирлари бўлиб ўтмоқда. Ўзбекистон Республикаси болалар кутубхонасида бўлиб ўтган тадбир ҳам «Сизга таъзим, сизга эҳтиром» деб номланди.

Кечада 273-мактабнинг раҳбари, Ўзбекистон Қаҳрамони Мавлуда Исматова, 186-мактаб мусиқа ўқитувчиси, 1-даражали «Соғлом авлод учун» ордени соҳибаси М. Убайдуллаева ҳам иштирок этиб, ўз сўзларида, мактабдаги шарт-шароитларни яхшилашга, таълим-тарбия ишларини жаҳон андозалари талаблари даражасига етказишга бўлган эътибор, халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти эвазига барпо этилаётган ва таъмирланаётган илм даргоҳлари, янги технологиялар асосида анъанавий ва ноанъанавий ўқитиш услублари ҳақида таъкидладилар, ёшлар эртанги кунимизнинг муносиб ворислари бўлиб етишишлари учун педагоглар, ўз устиларида тинмай изланишлари лозимлигини ҳам таъкидлаб ўтдилар.

Шундан сўнг, тадбир доирасида 64-мактаб ўқувчилари, 426- мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари, «Бойчечак» рақс дастаси гуруҳи ўзларининг дилрабо куй, қўшиқлари, дилбар, шўх рақслари ва турли хил саҳнавий кўринишлари билан меҳрибон муаллимларни муборак айёмлари билан табриклашди.

**Сиз устозсиз, дилга яқин,**
**шарафлидир касбингиз.**
**Ёқаверинг дилга чақин,**
**унутилмас номингиз.**
**Меҳрингиздан баҳра олиб**
**камол топиб борамиз**
**Меҳнатингиз, заҳматини албат**
**оқлаб берамиз.**

**Гули ЧЕҲРА**

Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

## МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Эй оқил, очкўзлик ва бахилликни ўзингга шиор қилиб, мол ва пул топишнинг пайидан бўлма! Ҳасад ва бахиллик кўчасидан қоч! Ўзгаларга доимо мадад қўлини чўз! Ҳасад ва рашкдан ҳеч ким фойда кўрмаган! Аксинча, эл орасида хору залил бўлиб, эътибордан четда қолган. Мол-мулкингни бекорга сақлама! Уни эл фойда кўрадиган нарсаларга сарфла! Фақат, аҳмоқ одамларгина юз меҳнату алам билан бойлик тўплайдилар, ундан на ўзи фойда топади-ю, на ўзгалар манфаат кўради! Бундай жоҳил кишилар кўриб-билиб туриб, кўрганидан ибрат олишмайди, нафси аммора кўйига кириб, ранж ва кулфат кўрадилар!

Эй ўғил, сен гапирмоқчи бўлсанг, аввало гапингни яхшилаб ўйла, сўнг гапир! Зарурат пайдо бўлгандагина сўзлашга одатлан. Бўлмаса жим ўтир! Кўп ўйлаб, оз сўзлашда ҳикмат кўп. Бунинг мисоли сифатида қуйидаги ҳикоятни келтирамиз.

Баён қилишларича, қадим замонда бир бадавлат кишининг жуда ақлли ва зийрак ўғли бор эди. У ўғлини доно олим олдига олиб борди ва илму ҳикмат ўргатишини сўради. Олим болага парвона бўлиб, қўлидан келганича илм ўргатди. Бола имкони борича ҳаракат қилиб, олим айтган гапларини дил хазинасига жойлай бошлади. Натижада кўп ўтмай доно кишига айланди:

Кунларнинг бирида устод унга:

—Эй ўғлим, дунёда омон бўлай десанг, сергап бўлма, зарурат бўлса гапир, бўлмаса жимликни ихтиёр қил. Кишининг бошига келадиган ҳар бир бало тилдан келади! Беҳуда гапиришдан, лақмачиликдан, ғийбат ва бўҳтон сўзларни айтишдан кишининг обрўйи пастлайди! Энг ёқимли хислат ва чиройли санъат феълни сақлай билишдир, деди ва бу ҳақда кўпгина ҳикматли сўз ва мақолларни келтирди. Шаҳзода устодга:

— Эй устод, сен нимаики деган бўлсанг, барига тушундим! Энди бундан буён қандай йўл тутишни яхши биламан!—деб жавоб берди.

Шу кундан бошлаб, у жуда камгап бўлиб қолди. Дўстлари ичида фақат фойдали сўз бўлсагина гапирар, бўлмаса жим ўтирарди. Бу ҳолдан унинг отасини огоҳ қилдилар. Отаси уёқ-буёқдан қанча гапирмасин ўғлидан ҳеч жавоб эшитмади. Уни касал деб гумон қилиб, табибларни чақиртириб келди. Аммо табиблар унинг соғ эканини айтдилар. Ота ўғлини сиқилиб қолибди деб гумон қилиб, овга олиб чиқмоқчи бўлди. Бола овда ҳам ҳеч нарса демади.

Аксига олиб ов қилиш учун ҳеч бир нарса топилмади. Овни қанчалик қидирмасинлар барибир ҳеч нарсага дуч келишмади. Ногоҳ дарахт орасидан тўтининг сайраган овози келди. Овчилар дарҳол бургутни парвозга келтирдилар. Бургут бир пасда тўтини ўлжа қилиб олди. Тўтини қафасга солиб, боланинг олдига олиб келдилар. Бола уни кўриб отасига деди:

—Эй ота, тўти ўз тилидан илинди, агар у ўз маконида жимгина турганда эди, тилини сақлаганда эди, бошига кулфат тушмаган бўларди. Шунинг учун кишининг бошига нима келса, тилидан келади дейишган.

БАЙТ:

**Тўти сақлаганда эди тилини,**
**Қафас хижил қилмас эди дилини!**

Отаси ўғлидан бундай ҳикматли сўзни эшитиб, гап нимада эканини англади ва хушҳол бўлди.

НАЗМ:

**Ота-она қаттиқ бўлади хурсанд,**
**Фарзанди бўлса гар муносиб фарзанд,**

Эй биродар, билгинки, ўйламасдан гапиришдан кўнгилга озор етиши мумкин. Жимлик ва хомушликдан эса ҳеч кимга озор етмайди. Бу борада бир ҳикоятни нақл қиламиз.

Келтиришларича, Иброҳим Самарқандий бир куни бозорда ўтирар эди. Унинг олдидан от сотиб олган киши ўтиб қолди. Ўтирганлардан бири ундан:

—Эй биродар, отни қанчага олдинг?—деб сўради.

У киши:

—Фалончага,—деб қийматини айтди.

Сўраган киши унга:

—Жуда қимматга олибсан, пулига арзимайди! —деди.

Иброҳим Самарқандий унга:

—Нега аҳмоқона гапларни гапиряпсан?! Шу гапинг билан бир неча гуноҳга йўл қўйдинг. Аввало сотувчини ғойибона ғийбат қилган бўлдинг! Кейин эса харидорнинг кўнглини синдирдинг! Бундан ташқари одамзод айбдан холи эмас, у қанчалик тўла-тўкис иш қилса ҳам, бир ёғи кам бўлади. Агар сен жим ўтириб, хомушлик йўлини тутганингда шунча хатога йўл қўймас эдинг!—деди.

Ҳалиги киши ўз қилмишидан хижолат бўлиб қолди.

Улуғлар айтадиларки, олти пайтда одамнинг тили жим бўлмаса, ундай тилнинг борлигидан кўра соқов бўлмоқ афзалдир. Биринчи—кўп гапиришда, иккинчи—қасам ичишда, учинчи—кишини уялтириб қўядиган беҳуда ҳазил-мутойиба пайтида, тўртинчи—кишини ёмонлаб тилга олишда, бешинчи—эркаклар орасида ўзгаларнинг хотини ҳақида гапиришда, олтинчи—ўзини бошқалардан юқори қўйиб мақтаниш пайтида!

Бузургмеҳр ҳакимдан сўрадилар:

—Эй ҳаким, киши учун энг яхши нарса нима?

У деди:

—Жим турмоқ! Беҳуда гапиришдан кўра гапирмай турмоқ!

Яна сўрадилар:

Агар у бўлмасачи?

Ҳаким деди:

—Агар у бўлмаса, киши учун адаб яхшидир!

Ундан яна сўрадилар:

—Агар адаб ҳам бўлмаса-чи?

Ҳаким жавоб берди:

—Ёқимли хулқ, одамлар билан очиқ юзли бўлиш, дўсту душман билан муроса қилиш!

Яна ундан сўрадилар:

— Бу хислатлар ҳам бўлмаса-чи?

Ҳаким:

—У пайтда одамнинг ўлгани яхши,—деб жавоб берди.

Келтиришларича, бир киши бир донодан насиҳат қилишни сўради. Доно унга: «Ҳовли-жойинг, илму-одобинг кимдан қолган деди». У киши: «Отамдан!» деб жавоб берди. Доно унга: «Шунинг ўзи насиҳатдир. Агар сен яхшилик қилсанг, яхшилик қолади, ёмонлик қилсанг, ёмонлик қолади»,—деди.

Тошкент Давлат университети томонидан Ҳакимова Дилфуза Убайдуллаевна номига 1994 йилда берилган 012543 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

